

Туркиянинг энг катта янги масжидида биринчи азон айтилди



11:35 / 07.03.2019 2573


Истанбулда қад рослаган “Чамлижа” жоме масжиди бугун расман очилди ва биринчи азон айтилди, одамлар намоз ўқишга келдилар, деб ёзади Туркиянинг SABAH газетаси.

Ушбу масжид нафақат Туркия, балки дунёдаги санокли энг йирик масжидлар қаторидан ўрин олмоқда. Масжидни тиклаш ишлари 2013 йилда Туркиянинг ҳозириги Президенти, у пайтда Бош вазир лавозимида ишлаган Ражаб Тоййиб Эрдўған раҳбарлигида бошланган эди. Масжид замонавий ва Усмонли-Салжуқ меъморчилигининг нозик қиррларини ўзида мужассам этган ноёб иншоот сифатида тарихга муҳрланди.

Истанбулнинг ҳамма нуқтасидан кўзга ташланадиган бу ҳашаматли обидани олтита баланд минора ўраб турибди. Улардан тўрттасининг баландлиги 107.1 метр, иккитаси 90 метрни ташкил этади. Бинонинг ўртасида 72 метр баландликдаги катта қубба жойлашган. Қуббанинг ич қисмига Аллоҳнинг исмлари ёзилган.

Масжидда бир вақтнинг ўзида 63 минг киши намоз ўқиши мумкин. Масжид комплекси таркибида 11 минг метрли музей, 3.5 минг метрли маданият саройи, 3 минг метрли китобхона, минг кишига мўлжалланган конференцлар зали, 8 та санъат устахонаси, 3,5 мингта автомобилга мўлжалланган автотурааргоҳ қурилган. Масжиднинг асосий дарвозасининг

кенглиги 5 метр, баландлиги 6,5 метр ва оғирлиги 6 тоннани ташкил этмоқда.





Islom.uz